Ушбу сонда:
2 ЎЛКАМНИНГ ДОВРУҒИ ОЛАМНИ ТУТГАЙ
3 Қатағон қурбонлари МУБОРАК ИМЗО
4 БУЮК САРКАРДА ТЕМУР МАЛИК ХУСУСИДА СЎЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 июл, сешанба № 101 (748)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июл куни Японияниң Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичиро Мацуурани қабул қилди. Коичиро Мацуура элчилик фаолияти билан бирга ЮНЕСКО доирасида жаҳон халқларининг тарихий, маданий, маънавий ва илмий меросини авайлаб-асраш ва ривожлантиришдек хайрли ишларда ҳам фаол иштирок этиб келади. Айни пайтда унинг номзоди ЮНЕСКО Бош директори лавозимига қўйилган.**



Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг Япония билан турли соҳалардаги ўзаро алоқалари кўлами тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молик эканини айтди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бораётганини Ўзбекистон юксак қадрлайди, деди, жумладан, Президентимиз.

Меҳмон қабул учун мамлакатимиз раҳбарига чин дилдан миннатдорлик изҳор этар экан, Япония билан Ўзбекистон ўртасида нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий соҳада ҳам ҳамкорлик алоқалари ривож топаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлади.

Коичиро Мацуура Ўзбекистон Республикаси Президентига Япония Бош вазири Кэйдзо Обутининг мактубини топширди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

**(ЎзА)**

* * *

**Суратда: Қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш жараёнини тезлаштириш, вақтинча иқтисодий қийинчиликка дуч келган, бироқ молия-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш учун ҳуқуқий имкониятга эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг янги таркиби тасдиқлансин.

2. Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсундирилсин.

3. Мол-мулкида давлат мулки улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари ишининг энг узоқ муддати бир йил билан чегаралансин. Ушбу муддатни яна узоғи билан ярим йилга узайтириш Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билангина амалга оширилсин.

Тугатиш комиссияси банкрот корхонани тугатиш бўйича барча ишларни белгиланган муддатда ниҳоясига етказа олмаган тақдирда мулкнинг сотилмаган қисми Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билан давлат мулкига ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тасарруфига берилади, хўжалик судлари эса ҳукумат комиссияси қарори асосида тугатиш ишининг якунланганлиги ҳақида ажрим чиқаради.

4. Ташқи бошқарувчилар ва ишончли шахсларга қарздор корхоналар ёки уларнинг мулкини сотишда кредиторлар йиғилиши /қўмитаси/ розилиги билан қуйидагиларга рухсат берилсин:

харидорга хизмат кўрсатадиган тижорат банки тегишли кафолатни тақдим қилган тақдирда корхона ёки мулкни бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш;

арзон-гаров ва тез ишлатиб бўлинадиган мулкни, шунингдек, хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг қолган қисмини кимошди савдоси ўтказмасдан, олди-сотди шартномаси бўйича сотиш.

5. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ишончли шахслар ва банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари томонидан дебиторлик қарзини мажбурий тарзда ундириб олиш бўйича тақдим этилган материалларни давлат божи тўланмасдан туриб ҳам бу божни айбдор томондан кейинчалик ундириб олинишини белгилаган ҳолда кўриб чиқишни таъминласин.

6. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон Фармонига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

Фармоннинг 1-банди ҳамда иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини маълум муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш, бу қарор кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки фармойиши билан тасдиқланиши шарт»;

3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси» ҳамда 4-банднинг 2-хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«тугатиш жараёнини амалга оширишда фаол иштирок этиш ва ишончли шахс сифатида қатнашиш, мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳамда хўжалик судлари томонидан банкрот деб эътироф этилган қарздорлар бўйича тугатиш комиссияларини ташкил этиш»;

6-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ органлари, иқтисодиёт ва статистика органларидан корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш»;

8-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита мансабдор шахслардан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим қилинмагани ёки ўз вақтида тақдим қилинмагани учун ундириб олинадиган жарималар;

банкрот корхоналарни кимошди савдоси орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, кредиторларнинг талаби қондирилган тақдирда мулкнинг баҳоланиш ва сотилиш қиймати ўртасидаги фарқдан тушган маблағларнинг бир қисми».

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳукумат комиссияси, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини мазкур Фармон асосида ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 июл

## «ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ» - БМТНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотида «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси» БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.**

Маълумки, «Тошкент Декларацияси» шу йил 19-20 июл кунлари БМТ шафеълигида Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари - Эрон, ХХР, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ ва Россиядан иборат «6+2» гуруҳининг Тошкентда ўтказилган учрашувида қабул қилинган эди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда бугунги кунда Афғонистондаги зиддиятни бартараф этиш бўйича ягона халқаро механизм ҳисобланган «6+2» гуруҳи «Тошкент Декларацияси»ни тайёрлаш бўйича катта ишларни амалга оширди. Мазкур Декларация бундан буён БМТнинг Афғонистондаги зиддиятга тинч йўл билан барҳам бериш бўйича узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган расмий, дастурий ҳужжати бўлиб хизмат қилади.

**(ЎзА)**

## ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ САУДИЯ АРАБИСТОНИДА НАШР ЭТИЛДИ

**Бугунги кунда она юртимиз Ўзбекистон ва унинг дунёда тутган ўрнига бўлган халқаро қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Мустамлака тузумидан халос бўлиб, тарихан қисқа вақт ичида халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда жиддий ютуқларга эришаётган мамлакатимизнинг ривожланиш йўли, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпгина хорижий давлатлар, нуфузли халқаро илмий марказлар томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда.**

Бизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлимиз, унинг асосий йўналишлари Юртбошимизнинг сиёсий, иқтисодий, илмий асарларида теран ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асарлар қатор чет эл мамлакатларида нашр этилиб, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, ишбилармонлар, олимлар ва минглаб оддий ўқувчиларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Ҳозирга қадар Президентимизнинг китоблари инглиз, француз, немис, араб, хитой, ҳинд, рус, корейс, япон, индонез, румин каби жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилиниб, кўпминг нусхаларда чоп этилди.

Куни кеча Ислом Каримовнинг яна бир китоби Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида араб тилида нашр қилинди. Китобнинг нашр этилишида Саудия Арабистони Қироллигининг энг йирик тижорат ва саноат «Дар-Ас-Салом груп» компаниясининг Президенти Аш-Шайх Абдулла ибн Ҳасан-ал-аш-Шайх ва Халқаро сармоялар бўйича директори Шайх Муҳаммад Абдулкарим С.Райҳоннинг хизмати каттадир. Саудия Арабистонининг энг йирик нашриётларидан бири - «Ал-Саравот» нашриёти томонидан чоп этилган бу китобдан давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли йирик фундаментал асарлари ҳамда «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган суҳбати ўрин олган.

Китоб араб ўқувчиларига тақдим қилинар экан, унинг сўзбошисида жумладан, шундай дейилади:




«Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг ҳозирги замон дунё тарихини ўрганиб, ўзига хос тажрибалар орттириш йўли билан кўпгина ютуқларга эришди. Буни мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларида, унинг муваффақиятларга эришишига ёрдам берган ва кўпчиликни лол қолдирган жиддий қадамларида кўриш мумкин. Бу эса Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини, унга ўз халқи ва ватанига содиқ инсонлар етакчилик қилаётганини исботлайди.

«Дар-Ас-Салом груп» компанияси Тошкентдаги «Ўзбекистон» нашриёти билан ҳамкорликда ушбу китобни нашрга тайёрлади. Бу билан биз буюк келажак сари дадил қадам қўяётган Ўзбекистон давлатининг бинокори, Президент Ислом Каримов жаноби олийларининг тафаккур намуналарини араб ўқувчиларига тақдим этишга муяссар бўлдик.

Мазкур китобда собиқ шўролар тузумидан Ўзбекистонга мерос бўлиб қолган иқтисодиётнинг ночор аҳволи баён этилган ҳамда она юртининг гуллаб-яшнаши учун ўзини бағишлаган Президент Ислом Каримовнинг шу аҳволни бартараф этишга қаратилган лойиҳалари берилган.

Биз китоб мазмунини, ундаги ҳаққоний ва теран фикрларни батафсил шарҳламоқчи эмасмиз. Биз қадрдон ўзбек халқига, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли, ҳақиқий ва муносиб аъзоси бўлган ёш республикага унинг юқорида эслатиб ўтилган тараққиёт модели асосида баҳо бериш ва хулоса чиқаришни араб ўқувчиларига ҳавола этамиз.

Шу билан бирга биз араб инвесторларига бу китоб орқали ўзимиз ишонч ҳосил қилган фикрлар хулосасини тақдим этамиз ва нима сабабдан ўз сармояларимизни бу ёш республика иқтисодиётига қўйганимизни ҳам кўрсатиш ниятидамиз.

Ўйлаймизки, бошқалар ҳам шу фикрларни мулоҳаза қилиб, биз каби Ўзбекистон иқтисодиётига ҳеч қандай хавотир ва гумонларсиз ўз сармояларини йўналтирадилар.

Икки муқаддас давлат раҳбарлари - Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдулазиз ал-Сауд зоти олийлари - Худонинг ўзи уни асрасин - ва унинг қадрдони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг 1992 йил 11-13 апрелда бўлиб ўтган тарихий учрашувидан кейин ушбу сармоялар Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга кенг истиқболлар очиб берди. Бизнинг қадамимиз Ўзбекистон ва қадрдон араб давлатлари ўртасидаги ишонч ва эҳтиром белгиси бўлиб қолади, деган умиддамиз».

Ислом Каримов китобининг араб дунёсидаги энг нуфузли мамлакатлардан бирида нашр этилиши, шубҳасиз, давлатимизнинг халқаро майдонда, хусусан, Шарқ дунёсида ўзига муносиб ўрин ва мавқе эгаллаб бораётганининг яна бир далилидир.

**(ЎзА)**

## ОРОЛБЎЙИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИ

*Юртимиз ғалла хирмонини янада юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси ғаллакорлари давлатга дон топшириш йиллик шартнома режасини бажардилар. Улар уйган хирмон 49 минг тоннадан ортди.*

*Эришилган меҳнат зафарига Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл, Амударё, Қораўзак, Нукус ва Қўнғирот туманлари улкан ҳисса қўшди.*

*Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилган Оролбўйи ғаллакорлари дон топширишни давом эттирмоқдалар.*

**(ЎзА)**

## Мустақиллик менинг тақдиримда

***Мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир. Шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон истиқлолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзлигини англаш, ўзини озод инсон деб ҳис этиши учун берилган беқиёс имконият деб қабул қилсин.***

**Ислом КАРИМОВ.**

## МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛБДА ЖЎШ УРСА...

**1. Мустақиллик деганда, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак, деганда нимани тушунасиз?**

**2. Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?**

**3. Ўзбекистоннинг эртанги куни ва унда ўз ўрнингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур - бу сизни нималарга даъват этади?**

**Саволларга Паркент туманидаги «Қора камар» фермер хўжалиги раҳбари Акбар УСМОНОВ жавоб беради.**

1. Мустақиллик халқимиз, ҳар бир фуқаронинг қадр-қимматини ўз жойига қўйди. Инсондек яшаш, шу муқаддас заминнинг ҳақиқий эгаси сифатида ҳис этиш имконини берди. Ўтмишда тобелик, қарамлик нақадар оғир савдо эканлигини чуқур ҳис қилганмиз. Алам қиладигани шуки, ўз уйингда, ўз Ватанингда кимлардир сени камситса, хўрласа бундан ёмони борми?!

Оилада 12 фарзанд эдик. Ота-онам минг азобда бизни оёққа қўйишди. Кўплашиб далада эрта тонгдан то қоронғу тушгунича меҳнат қилсак-да биримиз икки бўлмасди. Шўро ҳукумати асосий эътиборни пахтага, пахтачиликка қаратди. Жаннатмакон боғларимиз, сабзавот экиладиган майдонларимизга эътибор суст эди. Қанчадан-қанча меваларимиз терилмай қолиб кетарди. Қайта ишлаш цехлари бўлмаганлиги, борлари ҳам тугатиб юборилганлиги учун бебаҳо неъматнинг анчагина қисми чириб кетарди. Боз устига даромаднинг тайини йўқ эди. Отам бечора шахсий чорвамиз ҳисобига тўй-ҳашам ўтказарди.

Кейинчалик тушуниб етдик: устамонлик билан олиб борилган сиёсат бизни динимиздан, она тилимиздан, ғуруримиздан, маданиятимиздан айирди. Худога шак келтирадиган одатлар - ичкиликбозлик, ёшларимизнинг миллатимизга тамоман ёт бўлган кийимлар кийиши одат тусига кирди. Кўргиликни қарангки, баъзи оилалар фақат рус тилида гаплашадиган бўлиб қолди...

Истиқлол эркимизни бахту баҳоримизни ўзимизга қайтарди. Мустақиллик учун тинимсиз курашиш, эришилган муваффақиятларнинг қадрига етиш, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини садоқат билан адо этиш лозимлигини тушуниб етдим.

2. Қарийб саккиз йил мобайнида туманимизда, қадрдон қишлоғимизда ўн йилликларга татигулик ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, Қизил империя даврида энг чекка қишлоқда истиқомат қилганлигимиз учун узоқ-узоқлардан ўтин ташиб келтириб кун кўрардик. Қиш азоб билан ўтарди. Фақат мустақиллик йилларида газга ёлчидик. Ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. Жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайди. Хусусан, 10 минг ўринга мўлжалланган ўйингоҳ қурилиб, ишга туширилди. Мактабларимизга эътибор ошди. Фарзандларимиз билимли, маданиятли, соғлом, биздан кўра бахтлироқ бўлишлари учун барча шароит яратилди.

Яширмайман, турғунлик йилларида оиламиз тузукроқ пул кўрмади. У ойдан бу ойга амал-тақал қилиб борардик. Юртбошимизга минг бор раҳматлар бўлсин, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб ҳалол йўл билан мўмай даромад олишга кенг имкон яратдилар. Фермерлар сафига қўшилдик. Ўз еримизда картошка, сабзавот маҳсулотлари ва мева етиштириб, йилига 3-4 миллион сўм атрофида даромад қилаяпмиз. Ўзимизнинг ҳайдов тракторимиз, енгил ва юк машинамиз бор. Саккиз йил ичида тўртта келин туширдим, учта қиз узатдим, иккита данғиллама уй солдим. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериб келаяпман. Ўзингиз ўйланг, собиқ шўро даврида булар тушимизга ҳам кирмаган эди-ку?! Бахтимизга меҳрибон Президентимиз то жаҳон тургунича бошимиз узра соябон бўлсинлар, ҳур Ўзбекистоннинг бахтли келажагини кўриш уларнинг ўзларига ҳам насиб этсин, истиқлол қуёши порлайверсин!

3. Улуғларимиз тўғри таъкидлашади: жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз инсоний ҳуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис қилган ва бугун қураётган жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб, ўз миллати, Ватанидан фахрланиш, чексиз ғурурланиш туйғусига эга бўлсагина муддаоларга етамиз. Ўзбекистон ҳизр назар қилган, ўхшаши йўқ бир бўстон. Бойлиги беҳисоб, одамлари меҳнатсевар, мард, танти. Ватани учун, истиқлол учун ҳар биримиз лозим бўлса жонимизни беришга тайёрмиз. Бундай юртнинг келажаги порлоқ. Ватанпарварлик, миллий ғурур мени улуғ ишларга даъват этмоқда. Энди ўзимиз етиштираётган неъматларни ўзимиз қайта ишлаш учун цехлар очиш пайида юрибмиз. Орзуга айб йўқ, хорижий ҳамкорлар билан иш юритиб сархил неъматларни чиройли идишларга жойлаб чет элга экспорт қилишга астойдил киришганмиз. Истиқлолимизнинг саккиз йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан қаршилаяпмиз. Эл дастурхонига энг сифатли, сархил неъматлар тортиқ этаяпмиз.

**Суҳбатдош: Ғ.ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.**

## ФАРҒОНАЛИКЛАР ЗАФАРИ

*Мамлакатимиз истиқлолининг саккиз йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш, дон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган Фарғона вилояти ғаллакорлари ғалаба маррасига эришдилар. Улар мавсумда 92 минг гектар майдонда бошоқли дон экинларини парваришлаб, қабул пунктларига 246 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил кўтарилди.*

*Ялпи хирмоннинг юксалишига Олтиариқ, Учкўприк, Қува, Данғара, Охунбобоев, Фарғона, Бувайда туманлари ғаллакорлари салмоқли улуш қўшдилар.*

*Вилоятда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.*

**(ЎзА)**

**Бир ой муқаддам «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси номига қиймати 4,8 миллион АҚШ долларига тенг мурувват ёрдами юки келган эди. Уни «АмериКейрс» хайрия жамғармаси жўнатган, юкни ташиш учун эса самолётни АҚШ Давлат департаменти ажратган эди.**

**ЎзА мухбири «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошевага бу мурувват ёрдами қандай тақсимланди, деган савол билан мурожаат қилди.**

# МУРУВВАТ ЁРДАМИНИ КИМ ОЛАДИ?

- Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарамоқда. Мамлакатимиз раҳбариятининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш сиёсати алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу вазифаларнинг бир қисмини «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳал қилмоқда. Шу боисдан, мамлакатимиз учун муҳим бўлган бу ишга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган ноҳукумат хайрия ташкилотлари - хорижий ҳамкорларимиз пайдо бўлди. Шулардан бири «АмериКейрс» хайрия жамғармасидир. Жамғарма бутун дунёда мурувват ёрдами кўрсатиш учун ўн йил муқаддам ташкил этилган.

Бу сафар «АмериКейрс»дан келган юк Ўзбекистонга бизнинг жамғармамиз билан тузилган бевосита шартномага мувофиқ жўнатилган. Унинг таркибида республикамиз тиббий муассасалари учун зарур бўлган дори-дармонлар, тиббий асбоблар, шунингдек, болалар таомлари ҳамда санитария ва гигиена буюмлари бор.

«АмериКейрс» жамғармасининг таклифларини ҳисобга олиб, юкни Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан «Соғлом авлод учун» жамғармаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мурувват ёрдами бўйича республика комиссияси назорати остида тақсимлади. Мурувват ёрдамини пойтахтдаги йирик шифохоналар, шунингдек Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги даволаш муассасалари олди.

Юкнинг бир қисми «Соғлом авлод учун» жамғармаси тасарруфига берилди. Ҳар бир вилоятда ишлаётган тиббий-ижтимоий ёрдам бригадасига витаминлар, антибиотиклар, сульфаниламидли дорилар, болалар таомлари, санитария ва гигиена буюмлари жўнатилди. Уларнинг ҳаммаси ўз эгасини топади. Чунки жамғармамиз ташаббуси билан республикамизда тузилган тиббий-ижтимоий ҳомийлик тизимининг моҳияти аниқ одамларга, биринчи навбатда аёллар ва болаларга, айниқса тиббиёт марказларидан олисдаги қишлоқларда яшаётган аёллар ва болаларга ёрдам беришдан иборат.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси халқаро ташкилотлар билангина эмас, йирик хорижий компаниялар билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. «Проктер энд Гэмбл», «Карл Цайсс Йена», «Мерк», «Прибори ОЙ» ва бошқа компаниялар жамғарма дастурини амалга оширишда бир неча йилдан буён ҳамкорлик қилмоқда. Улар кўпгина лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмоқда. Масалан, туғруққа ёрдамлашиш ва болалар тиббий муассасаларини дори-дармонлар ва тиббий ускуналар билан таъминлашга, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш билан шуғулланадиган скрининг-марказларни барпо этишга кўмаклашмоқда. Ёш авлодга санитария-гигиена таълими бериш юзасидан катта иш қилинмоқда. Чунончи, «Проктер энд Гэмбл» компанияси билан биргаликда оғиз бўшлиғини парваришлаш, ўсмирлар гигиенаси, шунингдек, бўлажак оналар учун «чақалоқни парваришлаш» ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва республикамизнинг барча мактабларида амалга оширилмоқда.

Ҳақиқий ёрдам берадиган бундай кўп сонли алоқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов эълон қилган ва унинг раҳбарлигида амалга оширилаётган ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялаш сиёсатига бутун дунёда ҳурмат билан қаралаётганининг яна бир далилидир.




**Меҳмондўст халқмиз. Баъзан юртимизга ташриф буюрган хорижликларни таклиф қилганимизда дастурхонга қўйилган ноз-неъматларни кўриб ёқа ушлашади, ҳатто «биз сизларни бундай меҳмон қилолмаймиз» дея ҳижолат чекишади. Тўғриси, биз учун уларнинг истиҳоласи анчайин ғалати туюлади. Қизиқ, дастурхонга нима қўйибмиз, - ўйлаймиз ўзимизча. Боғда етилган мева-чевалар: олма, ўрик, шафтоли, узум, анжир, ёнғоқ, хандон писта, бодом..., бу ёғи қовун-тарвузу, помидор-бодринг дегандек.**

# ЎЛКАМНИНГ ДОВРУҒИ ОЛАМНИ ТУТГАЙ

**меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш тажрибасидан**

Саховат чегара билмайди. Истаймизми- йўқми, яшаб турганимиз замин феълимиз, турмуш тарзимиз, борингки, дунёқарашимизга гўё қуёш нурлари она табиат инъомларида ўз аксини қолдиргани каби таъсир этган бўлса не ажаб? Бу дунёнинг саховатпешалигига ишонч шу қадар шууримизга сингиб кетганки, қиш қаттиқ келса ҳам, юмшоқ келса ҳам, баҳор серёғин ёки қурғоқчил ўтса ҳам барибир, насибамизга яраша еб-ичишимизга умидворлик ҳисси ҳеч қачон бизни тарк этмайди. Май ойида бўлиб ўтган уч кунлик қора совуқ етказган талофатни бобо деҳқонларимизу миришкор боғбонларимиз ҳали унутганларича йўқ. Лекин бугун бозорларимизни айланган кишининг баҳри дили очилади. Пештахталарни қўяверинг, йўл чеккалари ҳам алмойи-жалмойи рангу бўйлар омухтасидан шундай манзара касб этганки, буни фақат Ўзбекистондагина кўриш мумкин.

Бундан икки йил муқаддам Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳамма жойда бўлгани сингари, «Наманганмевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси ташкил этилган эди. Бугун муайян хулосалар чиқарсак бўлади. Биринчи хулоса шуки, бир мунча тарқоқ ҳолда бўлган соҳа ушбу қарорга асосан йириклашгач, яъни Янгиқўрғон, Чортоқ, Наманган узумлари агрофирмалари, 19 та жамоа хўжалиги, 2 та чорвачилик ҳиссадорлик жамияти, 4 та ташкилот, 4 та қайта ишлаш корхоналари бирлашма тизимига киргандан сўнг шериклар билан тузиладиган шартномалар нуфузи кескин ортди ва шунинг баробарида илгари жуда кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлган ўзаро тўловларга риоя қилмаслик ҳолларига, умуман олганда, чек қўйилди. Ҳар хил шубҳали шахслар йўлдан олиб ташланиб, бевосита алоқаларнинг ўрнатилиши ҳам тушумнинг кўпайишини таъминлади. Шунингдек, бирлашма обрўсини ушлаб туриш мақсадида тажриба сифатида бошқа мамлакатларда, хусусан Россия Федерациясида бир қанча фирма дўконлари очдик. Натижада ўз маҳсулотларимизни ўзимиз, бир мунча арзон нархда ва муҳими сифати кафолатланган ҳолда харидорларга етказиб бериш имкониятига эга бўлдик. Шимолдаги шерикларимиз шундай дўконларни яна кўплаб очишимизни илтимос қилаётганлари ҳам бежиз эмас.

Фаолиятимиз бошланган дастлабки йилдаёқ бирлашма тизимига кирувчи жамоа хўжаликларининг ялпи маҳсулот қиймати 1332,6 миллион сўмни ташкил қилганлигини таъкидлашни истардим. Пул даромади эса 1110,6 млн. сўмдан иборат бўлди ёки 1997 йилга нисбатан 261,6 млн. сўм кўп даромад олишга эришилди. Энг диққатга сазовор жойи шундаки, иқтисодий бўхронларга дош беролмай тамом ҳолдан тойган ва санацияга тушган Ш.Рашидов ҳамда «Гулшан» жамоа хўжаликлари ҳам бирлашма таркибида фаолият кўрсатиб, сал фурсатда тикланиш томон одимлай бошладилар. Меҳнатга бўлган муносабат ўзгариши натижасида ҳар икки жамоа ҳам йилни фойда билан якунлади.

Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган ва ҳукуматимиз изчил олиб бораётган қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш сиёсати, хусусан меҳнаткашларнинг ерга, мулкка, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотга эгалик қилишларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва моддий манфаатдорликларини ошириш, мулкий муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш ҳаракати ҳозирнинг ўзида самарасини бераётир. Шу мақсадда ўтган йили битта жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилди. Бу йил эса яна 7 та хўжаликни ширкат хўжалигига айлантириш тадбири амалга оширилади. Шу муносабат билан бир қатор ишчи-ходимлар қисқаришга учраганлигини инобатга олиб 190 та деҳқон хўжалиги ташкил этдик. Бу, айтиш лозимки, кўплаб иш ўринлари очишга имкон яратди.

Шу ўринда бирлашма тизимидаги хўжаликларда мавжуд 9357 та боғ ва токзорларнинг 4521 гектари ижарага берилганлигини, шунингдек, меҳнатни асосан оилавий пудрат асосига қуриш йўлидан бориш яхши самара келтираётганлигини қайд этмай ўтолмайман. Ҳозирда пахтачиликда 820 та, ғаллачиликда 1831 та, картошкачиликда 792 та, сабзавотчиликда 576 та оилавий пудрат мавжуд. Бирлашма тизимидаги 21 та хўжаликнинг 15 тасида чек усули ташкил этилган.

Мен бу рақамларни беҳуда келтирмадим. Бу ҳам аслида ижтимоий ҳимоянинг бир тури, мен сизга айтсам, фаол тури, Инсон учун ўз меҳнат самарасини кўришдан ортиқ саодат бор эканми?! Меҳнат - меҳнатнинг таги роҳат, дейдиган замонлар келганлиги шуда! Меҳнати қадрланаётганлигини ва у турмуш фаровонлиги учун хизмат қилаётганлигини кўрибилиб турган ҳар бир киши яна ва яна изланаверади. Янги-янги марраларнинг эгалланиши, кеча мумкин бўлмаган кашфиётларнинг бугун оддий, кундалик воқеа сифатида талқин этилиши ва бошқалар томонидан ҳам осонлик билан ўзлаштирилиши шу боис. Тараққиёт деб шуни айтадилар, бугунги шукронамиз ҳам, эртанги кунга бўлган ишончимиз ҳам ана шулар туфайли!

«Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан. Кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўл ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир» дейилади қадим китоб «Авесто»да.

Бинобарин, нимаики қилаётган бўлсак, ҳаммаси эзгулик учун. Одамлар иш ўринларига ва доимий даромад манбаига эга бўлишлари учундир. Токи одамлар «бу меники, мен уни кўпайтиришим ва бойишим керак» деган ишонч ва умид билан яшашга кўникма ҳосил қилмоқлари лозим. Ана шундай эгалик ҳиссини тарбиялаш мақсадида мавжуд 5 та қайта ишлаш корхоналарининг учтасини ҳиссадорлик жамиятларига айлантирдик. Жами 123 миллион сўмликдан зиёд акцияларнинг 25 фоизи давлат улуши бўлиб, шунча қисми чет эл инвесторларига сотилган, 24 фоизи эркин савдога чиқарилгандир. Кўриниб турибдики, акцияларнинг 26 фоизи меҳнат жамоасига тегишли. Шу кунгача 82 миллион сўмга яқин акция сотилган бўлиб, бу умумий акциялар қийматининг 66 фоизини ташкил қилади.

Бирлашма тизимида, шунингдек, 2 та 30 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавот, 6 та 15 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхоналар мавжуд. Бундан ташқари Поп тумани Беруний номли жамоа хўжалиги ҳудудида 3 минг тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга бўлган заводни ишга тушириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 1997 йилга қадар фақат мева ва сабзавотни қайта ишлаб, харидорларга консерва маҳсулотларини етказиб бериб келган Косонсой ОТАЖ га ўтган йили томат паста ишлаб чиқарадиган линия ўрнатилгач, даромад ҳам, ишчи-ходимларнинг иш ҳақи ҳам кескин ортди.

Кези келганда, бирлашма тизимидаги корхоналарга чет эл инвесторларини жалб қилиш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилганлигини, жумладан, Ўзбек-Швейцария «Марвел Жус Ко» қўшма корхонасига 650 минг АҚШ доллари қийматида хориж дастгоҳлари келтирилиб, ҳозирги кунда замонавий технология асосида мева ва сабзавотни қайта ишлаб, жаҳон андозасига жавоб берадиган мева концентрати, олма аромати, мева ва сабзавот пюреси, юз фоизли табиий бўлган беш турдаги мева шарбатлари ишлаб чиқарилаётганлигини ва бу маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинаётганини таъкидламоқ жоиз.

Мустақиллик ҳар томонлама - ҳам руҳан, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан имкониятларимизни ошириб юборди. Буни соҳамизда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, экспорт салоҳиятининг ортиб боришида ҳам кўриш мумкин. Кейинги пайтда жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Бу йил ана шу маҳсулотларнинг ўзидан 320 минг АҚШ долларилик экспорт қилиш режалаштирилган. Бошқача қилиб айтганда, ўтган йилга нисбатан 220 фоиз кўп маҳсулот чет элга жўнатилади. Шу кунгача бирлашма бўйича 741 минг АҚШ доллари қийматига тенг маҳсулот республикамиздан ташқарига сотилди. Бу рақам йил охиригача яна кўпаяди.

Биз, айтиш мумкинки, энди-энди илк қадамларимизни ташламоқдамиз. Бу қадамлар қутлуғ эканлигига ва «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув сифат кафолати ўрнида қабул қилинадиган, жаҳон бозорлари серқуёш ва сахий ўлкамизда етиштирилган маҳсулотлар билан сероб бўладиган кунлар узоқ эмас. Зеро, биз келажаги буюк давлат қурмоқдамиз, мустақиллигимиз мустаҳкамланиб боргани сайин орзу-умидларимиз ҳам ушалиб бораверади.

**Неъматжон ҚУРБОНБОЕВ,**
**«Наманганмевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси.**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**СИНГАПУР. Сингапурда АСЕАНнинг хавфсизлик масалаларига бағишланган анжумани очилди. Унда Корейс ярим оролидаги вазият, Жанубий Хитой денгизидаги ҳудудий тортишувлар, хитойлараро муносабатлардаги инқироз ҳамда бошқа халқаро муаммолар муҳокама қилинади.**

**Ушбу анжуман Осиё-Тинч океани минтақасидаги биринчи ҳукуматлараро йиғин бўлиб, у Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмасига кирувчи ўн давлат ҳамда Европа Иттифоқи, АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия ва Ҳиндистон каби минтақанинг қатор бошқа ҳамкорларини бирлаштиради.**

* * *

**ТБИЛИСИ.** *Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагаришвили Нью-Йоркка жўнаб кетди. Бу ерда у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг навбатдаги мажлисида иштирок этади. Мажлисда Грузия билан Абхазия ўртасидаги ихтилофни барқарорлаштириш масаласи муҳокама қилинади.*

* * *

**ҚОҲИРА. Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» ташкилотининг диний йўлбошчиси араб давлатларини Исроил Бош вазири Эҳуд Баракнинг тинчлик ҳақидаги ваъдаларига ишонмасликка чақирди.**

**Байрутда ўтказилган митингда сўзга чиққан шайх Ҳасан Насрулло, Эҳуд Баракнинг Исроил қўшинлари бир йил ичида Ливан жанубидан чиқиб кетажаги ҳақидаги ваъдасига ишонмаслигини шунингдек, Ливаннинг жанубий ҳудуди Исроил назорати остида экан, исроилликларга қарши операциялар давом этаверишини таъкидлади.**

**(ЎзА)**



Ар-Рияд

*Қатағон қурбонлари*

# МУБОРАК

**... У Ишчилар шаҳарчасигача шиддат билан борди. Адиб унга назарида қўлидаги ёстиқдек қўлёзмасини кўриши биланоқ қучиб табриклаётгандек, «Омон бўлинг, йигит, улуғ иш қилибсиз!», дея миннатдорчилик сўзларини айтаётгандек туюлди. Аммо кўп ўтмай, унинг хаёлидаги ишонч осмонини қора булутлар қоплагандек бўлди: «Ахир уни хаста, дейишяпти. Кўр бўлгурлар шундай девқомат одамни тўшакбанд қилишипти-я! Қўли ҳам, тили ҳам яхши ишламасмиш... Ўзи мададга муҳтож кишидан ёрдам сўраб бораяпман-а!»-деди у ўзича.**

**Йўловчи тўхтади. Орқага бир-икки қадам ҳам ташлади. Бироқ, шу пайт яна унинг ичидан садо келди: «Агар хасталиги чиндан ҳам оғир бўлганида, ҳатто етти пушти соғ қаламкаш дўстларидан ҳам кўпроқ ишлаган, янги-янги ижодий режалар билан яшаган бўлармиди?!»**

У яна олға интилди. Фикрлар ва туйғулар курашида, ахийри, манзилга етиб келди. Қўнғироқ овозига, кўп ўтмай, Зарифахоним чиқди. Меҳмон иймана-иймана муродини айтди. Зарифахоним эса бир оз хаёлга ботган ҳолда:

— Домланинг тоблари йўқ эди-я, қандай бўларкин?..-деди.

Бу, бекор келибсиз. Хаста одамнинг олдига ёстиқдек қўлёзмани кўтариб келиш унга озор бериш билан баробар дегани эмасми? Уни шу аҳволга солганлари каммиди?»-деган дашном эди. У хонимнинг сўзларини эшитиш биланоқ:

—Домлани тоблари йўқлигини биламан, аммо у кишининг йилига биттадан китоб ёзаётганларидан ҳам огоҳман. Бинобарин, китоб ўқишлари ҳам мумкиндир, деб умид билан келувдим,-деди маъюсланиб.

Зарифахонимнинг юзига енгил бир табассум югурди. Бу табассумда айни бир пайтда мамнуният ҳисси ҳам, ташвиш ҳам бор эди. Тўғрироғи, аввал мамнуният излари кўринди. Аммо бу излар бир зумда сўнди-да, яна ташвиш чақмоғи чақди. Меҳмон бу чақиннинг тагида яширинган маънони сезмади. Зарифахоним меҳмоннинг қайсарлигини кўриб, қўлидаги қўлёзмани олди.

— Майли, сизни ҳам тушуниб турибман. Бир ҳафтадан кейин хабар олинг,-деди майин, аммо қатъий овозда.

Меҳмонга бундан ортиқ илтифот керак эмасди. У ташаккур айтиб, Адибга сиҳат-саломатлик тиладида, қушдай енгил бўлиб изига қайтди.

Бир ҳафта бир йилдек узоқ чўзилди. Куз бошланганига қарамай, ҳали кун қисқармаганми ё унга шундай туюлгани учунми, ҳар ҳолда, кун чиқишидан кун ботишига қадар бўлган вақт ниҳоясиздек эди. Аммо у бир ҳафтанинг ўтишини қанчалик орзиқиб кутган бўлмасин, ўзини яна бир оз сабр қилишга мажбур этди. Чунки, беш юз саҳифалик қўлёзмани ўқиб чиқиш хаста киши учун жабрдан бошқа нарса эмаслигини тушуниш қийин эмасди. У яна бир ҳафта кутиб, кейин ўша таниш ва қутлуғ маскан томонга дадил йўл олди.

Тўхтасин Жалолов (қаҳрамонимизнинг исм-шарифлари шундай) улуғ адиб билан саломлашганидан сўнг қўлёзманинг майдонга келиш тарихини ҳикоя қилмоқчи эди. Аммо Ойбек уни кўриши билан кўзлари чақнаб, ўтқизгани жой тополмаган кишидек саросимага тушди. У ташқи дунёдан қарийб узилгани, дилига яқин кишилар билан кам суҳбатда бўлгани учунми, бундай кимсаларни кўрганида соғинч туйғулари тошиб кетар эди. Бунинг устига, у меҳмоннинг хайрли ишга қўл ургани ва буни қойилмақом қилиб бажарганидан бениҳоя хурсанд, ҳаяжонда тошқин эди. Дастурхон тўшалгач, меҳмонни чойга таклиф қилди:

—Яхши, яхши!.. Жуда яхши китоб! Соз!..- мамнуниятлик изҳор этди.

Тўхтасин ака бундан ўн йил илгари бўлиб ўтган воқеани айтолмади. Ўшанда уч шоира ҳақида мақолани ўқиган Ойдин кимни кўрса, ўша киши ўзбек шоиралари тўғрисида алоҳида асар ёзишни илтимос қилар ва бу китобнинг тайёр қисмларини «Ёрқин ҳаёт» журналида пешма-пеш эълон қилиб боришини айтар, аммо бахтга қарши ҳеч ким бу муборак ишга киришишни зиммасига олмасди. Фақатгина Тўхтасин Жалолов муҳаррирнинг бу илтимосини бажаришга ваъда берган эди. Афсуски, китобни ёзишга эндигина тайёргарлик кўра бошлаганида қатағон карвони уни ҳам ўз кажавасига солиб, олиб кетди...

Олис «сафар»дан соғомон қайтгачгина ўша ниятни рўёбга чиқаришга киришди. У даставвал Зебуннисодан тортиб, 1917 йилга қадар яшаб ўтган ўзбек шоиралари ҳақида китобнинг биринчи қисмини ёзиб тугатди. Аммо унинг манглайида ҳали ҳам «халқ душмани» деган тамға излари бор экан, бу китобни ўқиб, унга фотиҳа берадиган бирор мард топилмади. «Агар ҳазрат Навоий бўлганларида, фақат у кишигина менга мадад беришлари мумкин эди. Модомики, Ойбек домла бугуннинг Навоийси эканлар, шояд улар мададкорим бўлсалар», деб ўйлади Тўхтасин ака. У ана шундай ўйлар билан шу нажотбарор манзилга келган эди.

—Жуда яхши китоб! Соз!-деди Ойбек.

Адибнинг навозишкорлик билан айтган бу сўзларидан унинг боши осмонга етди. Китобнинг ёзилиш тарихини ҳам, мезбоннинг ёрдамига муҳтожлигини ҳам айтишга эҳтиёж қолмади. Хаста адиб гоҳ чала-чулпа айтилган сўзлар, гоҳ сермаъно имоишоралар билан уни меҳмон қилишга ошиқди. Айни вақтда меҳмон учун унинг қўлёзма ҳақидаги фикрлари тансиқ эканлигини пайқаб, хасталик берган имкон доирасида ўз таассуротларини баён қилди:

— «Зебуннисо» зўр ёзилган!..

Ойбек бир лаҳза жим қолди. У Зебуннисонинг ошиқ шоир билан бўлган мушоирасини эслаб, ундан бир-икки байтни хаёлидан ўтказди. Лекин унинг тили форсий байтларни бутун гўзаллиги билан ифода этишдан ожиз эди. Шунинг учун «Зебуннисо» боби ҳақидаги фикрларини якунланган, деб ҳисоблади-да:

— «Увайсий»-мухтасар роман!-деди.

Меҳмон қулоқларига ишонқирамай, таажжуб ила адибга қаради. Ойбек буни сезиб, таъкидлади:

—Ҳа, шундай... «Увайсий»-мухтасар роман!..

Бу сўзлар замирида Увайсий ҳақидаги фасл ёзилган. Тилинг ширали. Бундай тил билан роман ёзмаслик гуноҳ. Увайсий ҳақида қўлинг ўргилсин бир роман ёзса бўлади. Агар бу романни сен ёзмасанг, ким ёзади?!» деган маъно бор эди. Меҳмон буни тўғри тушуниб, янада ажабланди:

—Роман?

—Ҳа, роман! Роман ёзинг! Албатта, ёзинг!-таъкидлади адиб. Сўнг қўшиб қўйди.-«Маҳзуна» боби заиф. Материал кам. Тўлдиринг!

—Домла, албатта тўлдираман. Раҳмат маслаҳатингиз учун.

Шу пайт иссиқ таом келди. Ойбек қўярда-қўймай, меҳмонни серқатиқ маставани бир қошиқ ҳам қолдирмай танаввул қилишга ундади. Косалар бўшаб, суҳбат яна ўша маромда давом этди. Энди сўз Мария Стюартнинг Ўзбекистондаги эгизагига кўчди.

Нодира тўғрисида сўз борганда одатда унинг шеърияти эмас, фожеали тақдири тилга олинади. Олимлар неча-неча йиллардан бери унинг ўлими тафсилотларини аниқлай

## Касаба уюшмалари шифо масканларида

# БАРЧАГА БИРДЕК МАНЗУР

**«Беруний» метро бекати яқинида бир ажойиб қўрғон бор. Самолётсозлар уни бизнинг «Саломатлик» марказимиз деб фахрланишади. Улкан бино ўн икки қаватли бўлиб, антиқа архитектура мажмуи билан ажралиб турибди. Боғда мевали, ҳавони кислород билан тўйинтирувчи турли хил гўзал игнабаргли дарахтлар, ҳовузлар ва фавворалар салқин ва ёқимли иқлимни ҳосил қилган. Шифокорларнинг айтишларича, бу мўътадил ҳаво даволаш ишларида қўл келади.**

Самолётсозларнинг айтишича, санаторий-профилакторий ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида улар учун ҳақиқатан ҳам саломатлик қўрғони. Тошкент авиация бирлашмаси ўзига хос ишлаб чиқариш шаҳарчаси: металлургия, металларни тоблаш, асбобсозлик, йиғиш, бўяш каби бўлинмалар мавжуд. Бу ерда оғир, зарарли жойларда ишлаётганлар бор. Корхонадаги тиббиёт шахобчаси ходимлари ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини кузатиб борадилар. Эҳтиёж туғилса, тиббий ҳужжатлари тайёрланиб ходимлар санаторий-профилакторийга юборилади. Кўплар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанишади. Биринчидан, катта сарф-харажатларга ҳожат қолмайди. Оиласи бағрида бўлади. Иккинчидан, бу ердаги шифокорларда ишчи-хизматчининг корхонада ишлаётган бутун давридаги тиббий ҳужжатлари, кузатувлар, организмдаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар бор. Бундай усул касб-касалликларини олдини олиш, ишчи-хизматчиларнинг соғлиғини мунтазам муҳофазалаб бориш, касаллик варақаларини камайтириш, юқори самарадорлик билан ишлаш учун ниҳоятда қўл келади. Физиотерапия бўлинмасида ўндан ортиқ даволаш хоналари мавжуд. Ультратовушли, солюкс, уфо, тубус, кварц-электр ва бошқа даволаш ускуналари тўла ҳажм билан ишламоқда. Сув билан даволаш хиллари ҳам кўп. Жиззах вилояти Балиқчи кўлидан келтирилган балчиқдан унумли фойдаланилади. Қўлда уқалаш, механик уқалаш каби игнарефлексотерапия билан даволашда яхши натижаларга эришилмоқда. Биз бош шифокор Наталья Сафоновадан ишчи-хизматчилар соғлиғини муҳофаза қилишда олиб борилаётган ишлар билан таништиришни сўрадик.

Чўмилиш ҳовузида кўп маблағ талаб қилинмайдиган шаршара билан даволаш йўлга қўйилибди. Ҳовузнинг бир қисмида тепадан тушаётган шаршара остида турасиз. У остеохондроз, ҳаракат-таянч органлари, умуртқа бўғинлари, асаб тизими ва бошқаларни даволашда самарали таъсир қилади. Бунда елка ва елка орти қисми орқали ички органларга таъсир кўрсатилади.

Санаторий-профилакторийда ҳақиқатан касб касалликларининг олдини олиш ва даволашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада изланишлар, интилишлар кўп. Бугун биз ана шу йўналишда қилинаётган яна бир хайрли иш ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Сиҳатгоҳда ичакни ювиш орқали даволаш хонаси ташкил этилмоқда. Асосий ишлар бажарилган, яқин кунларда унинг ишга тушиши кутилмоқда. Бу усул ишлаб чиқаришда касб касалликларининг олдини олишда жуда фойдали.

Улкан корхонада гальваноцех, бўяш цехи, турли моддалар билан чангланиш даражаси юқори бўлган цехлар ва бошқа бўлинмалар мавжуд. Қанчалик якка ҳимоя воситалари бўлмасин барибир бу чанглар кишига таъсир қилади. Унинг олди олинмаса касб касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

— Мен 1961 йилдан бери шу корхонада вибрация, яъни титратиб ишлайдиган механизмлар билан ишлайман, - дейди уста Эргаш Исоқов. - 1983 йилда менда касб касаллигининг белгилари пайдо бўла бошлади. Тиббиёт ходимлари буни дарров аниқлаб, лозим ҳужжатлар билан санаторий-профилакторийга жўнатишди. Шу-шу иложи бўлса ҳар йили ўзимизнинг сиҳатгоҳга келаман. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанаман. Бу ердаги муолажалар, сиҳатгоҳ шарофати билан соғлиғим тикланди.

1986 йил мазкур санаторий-профилакторий ишга тушгач, касаллик варақалари, касб касалликлари камая бошлади. Кейинги йилларни сарҳисоб қиладиган бўлсак 1997 йилда касб касллиги 1996 йилга нисбатан 23,7 фоизга, 1998 йилда эса аввалги йилга нисбатан 40 фоизга, 1999 йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар камайган. Ана шу рақамларнинг ўзи санаторий-профилакторий мустақил юртимиз кишиларининг саломатлигини муҳофаза қилишда қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

* * *

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнаткашлар билан бирга улар оила аъзоларини соғломлаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Корхона ҳузурида ташкил этилган болалар спорт мактаби мажмуи шулар жумласидандир. Бу ерда икки юз нафардан кўпроқ ёшлар шуғулланишади. Мазкур спорт мактаби республикамиздаги шундай мактаблар ичида энг кучлиларидан бири ҳисобланади. Авиасозлар спорт мактабининг ёш юзасидан бўлинган командалари бир неча йилдан бери Тошкент шаҳар чемпионатларининг совриндорларидир. Бир неча команда эса шаҳар чемпиони унвонига сазовор бўлган. Корхона спорт мактаби анъанавий суратда «Пахтакор» командаси, республика олий лигаси командалари учун кадрлар тайёрлаб бериш ўчоғига айланган. Уларнинг бир қисми мустақил Ўзбекистонимиз шарафини халқаро майдонда ҳимоя қилмоқдалар. Ҳозирда авиасозлар футбол мактабида тарбияланган ўнга яқин спортчилар республикамиз олий лигаси жамоаларида тўп сурмоқдалар. Шу мактаб тарбиясини олган ва ҳозир устозлик қилаётган С.Могилевский ФИФА рефереси ҳакамi унвонини олиш шарафига муяссар бўлган. Мактаб ўқув бўлимининг мудири А.Коваленко республика футбол Федерацияси ўқув-услубий комиссиясининг раиси.

Авиасозлар спорт мактаби ана шундай анъаналарга эга. Ҳали у мустақил юртимизнинг халқаро майдонларда ҳимоя қилувчи кўплаб ажойиб «чарм тўп» усталарини етказиб беради.

* * *

Корхона табиатнинг сўлим гўшалари бағрида жойлашган «Оқтош» ва «Гулистон» болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига эга. «Оқтош» ёзги мавсумда ҳар навбатда 400 ўғил-қизни, «Гулистон» эса 840 ёшни ўз бағрига олади. Бирлашма касаба уюшма қўмитаси истиқбол эгаларининг оромгоҳда мазмунли дам олишлари учун бош-қош. Ёзги маскан санаторий типида. Унда тикув-бичув, мусиқа, рақс, авиамодел, амалий санъат, ёш сайёҳлар, ёш табиатшунослар каби ўнлаб тўгараклар мавжуд. Ўғил-қизлар экскурсияларда бўладилар, ўсимлик дунёси билан танишадилар, доривор ўсимликларни ўрганадилар.

* * *

Биз юқорида Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида соғлиқни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ва яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳикоя қилдик. Лекин у осонликча бўлаётгани йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, корхонанинг тўла куч билан ишлай олмаётгани туфайли ижтимоий суғуртадан икки фоизли пул тўла тушмаяпти. Режа бўйича санаторий-профилакторийнинг ўзига ижтимоий суғуртадан 32 миллион сўм, икки оромгоҳ учун 11 миллион сўм, болалар спорт мактаби учун 3 миллион сўм ажратилиши лозим эди. Санаторий-профилакторий корхона ишчи-хизматчилари саломатлиги учун сув билан ҳаводек зарур бўлгани сабабли унинг фаолият кўрсатиб туриши учун барча имконият ишга солинмоқда.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳида биринчи навбатда 1091, иккинчи навбатда 1396 ўғил-қиз ҳордиқ чиқарди. Бунга сарфланган маблағ 15 миллион сўмга етди. Лекин оромгоҳ озиқ-овқати ва тарбиячилар ҳамда тиббий ходимлар маошларининг бир қисми 2 фоизлик ижтимоий суғурта ҳисобидан берилмоқда. Аввало шуни айтиш керакки, бозор шарт-шароитлари муносабати билан бу йилдан ишчи-хизматчиларга болалар оромгоҳларига йўлланмалар кредитга бериш йўлга қўйилди. Йўлланмалар имтиёзли.

Ҳа, бозор талаби қатъий. У тадбиркорликни, тийинни ҳам ҳисоб-китоб қилишни, ташаббускорлик ва ишчанликни талаб қилади. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси қийинчиликларни енгиб ўтамиз, мустақил юртимизнинг илғор корхоналаридан бирига айланамиз деб тиниб-тинчимаяптилар.

**Будир ПЎЛАТОВ.**



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## РИШТОН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Риштон туманида 750 ўқувчига мўлжалланган замонавий таълим муассасасини қуриш қизғин паллага кирди. Унда кулолчилик, мебелсозлик, электр пайвандлаш, станоксозлик ва бошқа саноат йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Айни вақтда бу ерда 200 ўринли ётоқхона, ошхона барпо этилмоқда. Коллеж келаси йили ишга туширилади.

Ҳозирги вақтда Фарғона вилоятида 18 та янги йўналишдаги замонавий касб-ҳунар коллежлари жадал қурилмоқда.

## «ГУЛЧЕҲРА»НИНГ ГУЛДАСТАСИ

Қарши шаҳридаги «Чақар» маҳалласининг бир гуруҳ санъат ихлосмандлари ташаббуси билан халқимизнинг қадимий куй-қўшиқлари ва миллий ўйинларини тиклаш мақсадида «Гулчеҳра» фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилган эди. Орадан олти ой ўтмасданоқ мазкур ансамбль ўзининг ранг-баранг концерт дастурлари билан эл эътиборига тушди, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган фольклор-этнографик ансамбллари республика кўрик-танловида ҳам фахрли биринчи ўринни эгаллади.

- Айни пайтда жамоамиз мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган махсус концерт дастурини тайёрламоқда, - деди ансамбль раҳбари Гулчеҳра Аҳмедова. - Бу санъатсевар халқимизга қадимий куй ва қўшиқлардан иборат ажойиб гулдаста бўлади, деган ниятдаман.

## ҲУНАРЛИ БЎЛИШДИ

Сирдарёлик тадбиркор аёл Муҳаббат Отаева бошчилик қилаётган «Уста-шогирд» мактабини бу йил 15 нафар хотин-қиз битириб чиқди. Улар бу ерда тикувчилик, зардўзлик, ошпазлик каби касб-ҳунарлар сир-асрорини ўрганишди. Республика «Ҳунарманд» уюшмаси мутахассислари битирувчиларнинг диплом ишларини юқори баҳолади. Эндиликда улар жойларда аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатиш билан бирга олган билимларини бошқаларга ўргатиш учун ўз мактабларини очиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

## НОГИРОНЛАР АРАВАЧАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида асосий маҳсулотлардан ташқари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Йилнинг ўтган олти ойи давомида бу ерда 70 миллион сўмликдан кўпроқ етмиш турдаги уй-рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалиги мосламалари, резина-каучук маҳсулотлари савдога чиқарилди. Айни вақтда корхона жамоаси хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда велосипед ва ногиронлар аравачалари ишлаб чиқариш устида қизғин иш олиб бормоқда.

## Тиббиёт муаммолари

# ДОРИ-ДАРМОН «ЎЗЛАРИ»ДАН

Бемор Баҳодир Умаровни оёққа турғазиш осон кечмади. Дастлаб уни туман марказий касалхонасининг жарроҳлик бўлимига ёткизишди. Ўн кун ўтди ҳамки, ўнгланмади. Охири жадал даволаш ва жонлантириш бўлимига кўчирмоқдан ўзга чора қолмади...

Ғиждувон Бухоро воҳасидаги аҳолиси зич жойлашган туманлардан бири саналади. Бу ерда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, тиббиётни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастури асосида кўплаб қишлоқ ҳакимлик масканлари, хусусий даволаш марказлари ташкил этишга алоҳида эътибор билан ёндошилаяпти. Аммо...

Биз туман марказий касалхонасига борган кунимиз бу ерда касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказишга тараддуд кўрилаётган экан. Йиғилишгача анча вақт борлигини инобатга олиб беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат савияси билан қизиқдик.

Шоҳпўлат Содиқов мудирлигидаги жадал даволаш ва жонлантириш бўлимида даволанаётган бемор Баҳодир Умаровнинг касаллик варақаси билан шу тариқа танишдик. Чап ўмровидаги кучли оғриқ азобидан бемор ниҳоятда қаттиқ азоб чеккан. Ҳатто тез-тез ҳушдан кетиб қолиш даражасига тушиб қолганлигини айтиб беришди. Агар унга шошилинч ёрдам кўрсатилмаса...

Ёрдам кўрсатилдими? Ҳа. Аммо бу «ёрдам» асосан унинг нақд пулга сотиб олган дори-дармонлари эвазига амалга оширилганлиги бизни ҳайратга солди.

Бундай пайтларда хизматга туҳматми, дейдиганлар топилади, албатта. Уларни ҳам тушунамиз. Бироқ, иккита норасида гўдаги бўлган 2 йилдан буён ишсиз юрган беморга ҳам осон эмаслигини ўйлаганда, беихтиёр сукутда қоласан, киши.

Даволаш варақасидаги ёзувларга эътибор бердик. 2 марта қон ўтказилган (беморнинг ўзи сотиб келтирган, аниқроғи қариндош-уруғлар, таниш-билишлар мурувват кўрсатишган). Бошдан охиригача «ўзи», «ўзи»лари. Биз бу ерга жиянининг аҳволидан хабар олгани келган Зайнаб Қодирова, бош ҳаким муовини Ато Маҳмудов иштирокида бемор Б.Умаров ўз соғлиғини тиклаши учун қилган сарф-харажатларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Унга 2та қон ўтказиш 2000 сўмдан 4 минг сўмга тушган. 3та (1,5 минг сўмга) «Кефзол» уколи қилишган. Эуфиллин, кальций хлор, оддий В6 витамини (булар наҳотки касалхона дорихонасида бўлмаса) ва шунга ўхшаш бўлимда доимий топилиши муқаррар бўлган дори-дармонлар ҳам пулга харид қилинган. Иммуноглобуллин уколини сотиб олиб беморга ўтказиш 3 минг сўмга тушган.

— Қарз-ҳавола қилиб бўлса-да дўхтирлар айтган дориларни сотиб олиб келтиришдан бўлак чорамиз қолмади,-дейди Зайнаб опа.- Яхшиямки яқинларимизда шунча маблағ топилди. Борди-ю у бўлмаганда-чи?

Тиббий суғурта тизимига бисқичма-босқич ўтиш зарурлиги таъкидланиб, жойларда аҳолининг даромадларини инобатга олган ҳолда тиббий хизмат курсатишни ташкил этиш зарур деб ҳисобланаётган бир паитда Ғиждувон марказий касалхонасидаги бу чиқимдорликка йўл қўйган ҳаракатларни оқлаб бўлармикан??

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ИМЗО

олмай, баҳс қилиб келадилар. Афсуски, бу даҳшатли қотилликнинг жаллоддан бошқа гувоҳлари ўша вақтдаёқ қолмаганди. Амир Насрулло буйруғи билан Нодиранинг фожеали лаҳзада ҳозир бўлган барча канизаклари ҳам қатл этилган. Жаллодлар эса амирлар, султонлар, подшолар сингари, тарихнинг қонли саҳифаларини яшириб келганлар. Шунинг учун ҳам XV асрдаги муҳим воқеалар бутун тафсилотлари билан маълум бўлгани ҳолда X1X асрда рўй берган энг даҳшатли қотиллик ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Турли тарихчилар ва адабиётчилар бу ҳақда бир-бирига зид, бир-бирини рад этувчи фикрларни дастак қилиб юрадилар.

Тўхтасин Жалолов ўз китобида холисона фикрни айтишга уринди. Шунинг учун ҳам у адибнинг бу масалага оид мулоҳазасини билишга иштиёқ сезди. Бироқ, Ойбек «Нодира» фаслига тўхталди-ю, кўп ўтмай, хаёлот оламига равона бўлди. У 1943 йили қаламкаш дўсти Ғафур Ғулом билан ҳамкорликда «Қаҳқаҳаи ҳусн» деган шартли ном остида Нодирабегимнинг фожеали тақдирига бағишланган пьеса ёзмоқчи бўлган. Бу асарда машҳур шоиранинг амир Насрулло томонидан қатл этилишини тасвир доирасига тортмоқчи бўлишган эсада, муаллифлар қонхўр амирнинг эмас, балки Нодиранинг - эзгулик ва гўзаллик тимсоли бўлган сиймонинг зулм ва ваҳшийлик устидан тантанасини кўрсатмоқчи бўлганлар.

Тарихдан маълумки, амир Насрулло Қўқонда бор-йўғи ўн икки кун турган. Аммо шу фурсат ичида инсоният хотирасидан ҳеч қачон ўчира олмайдиган хунрезликни содир этган ва ана шу нарса ҳам равшанки, ўз юртига гўё ғалаба билан қайтган амирни орадан бир неча йил ўтгач, Кенагаси бегим қулоғига симоб қўйиб ўлдирган. Кенагаси бегим Шаҳрисабз савдогарларидан бири Абу Барлос томонидан Умархонга пешкаш қилинган канизак бўлиб, пьесада у билан бирга хуштори, амир Насруллонинг жосуси Ҳожи қандолат Бухорий ҳам ҳаракат қилиши мўлжалланган эди.

Ойбек шу ёзилмаган асарни эсга олдими ё Нодирабегимнинг фожеа билан тўла ҳаётини кўз олдидан бир-бир ўтказдими,ҳар қалай, у узоқ ўйга толди.

1937 йил сиртмоғидан омон қолган адиб 50-йилларнинг бошларида яна авж олган қатағон тўлқинидан ногирон бўлиб чиқди. «Дўстлар» унинг 1951 йил 16 апрелда инсульт хасталигига йўлиқиб, тил ва қўл ҳаракатидан маҳрум бўлишига эришдилар. Тўхтасин Жалоловнинг ўзи ҳам яқингинада ўлим саҳросидан аранг тирик қайтганди. Гарчанд унинг ўз бошидан кечирган машаққатлари Нодирабегим кечинмалари олдида ҳолва бўлса-да, ҳар қалай, унинг ва Тўхтасин Жалоловнинг тақдири билан Нодирабегимнинг қисмати ўртасида муштарак жиҳатлар оз эмас эди. Бу муштараклик - адолатсизликка асосланган тузумдаги ижодкорнинг тақдири бўлиб, у ҳақда қанчадан-қанча романлар ёзиш мумкин эди.

Адиб ана шундай ўйлар оғушида ўтирар экан:

—Ёзинг, ёзинг!-деди яна, -Роман ёзинг!

— Роман? -таажжуб билан сўради меҳмон.

—Ҳа, роман ёзинг, роман!

—Нимани ёзай, Ойбек ака? -ўсмоқчилади меҳмон.

—Ўзингизни ёзинг. Ўзингиз - ёзилмаган романсиз.

Меҳмон ўзи ҳақида ёзолмасди. У «Меҳнат-тузатув лагери»дан озод этилганида у ерда кўрган-эшитганини ва бошидан ўтказган воқеалари тўғрисида оғиз очмаслик ҳақида тилхат берган эди. Ойбек ҳам ўз бошидан кечирган кўргиликлар тўғрисида роман ёзиш у ёқда турсин, ҳатто тўрт қаторлик шеър ҳам чиқара олмасди. Амир Насруллоларнинг руҳи ҳукмронлик қилаётган замонда унинг Ғафур Ғулом билан биргаликда «Қаҳқаҳаи ҳусн» асарини ёза олмагани тасодифий эмасди.

Меҳмон адибнинг сўзларидан қанчалик рағбатланган бўлмасин, ўзи тўғрисида бир сатр ҳам ёза олмади. Шунинг учун ҳам у «Олтин қафас»га қўл урди-ю, аммо унда ўзи кўрган темир қафас ва унинг аҳлини эмас, балки чучмал турмуш манзараларини тасвирлади.

Суҳбат маромига етди чоғи, меҳмон кетишга ижозат сўради. Ойбек таомилга кўра, муаллифга қўлёзма билан бирга уни нашр этиш мумкинлиги ҳақидаги ёзма фикрини ҳам бериши лозим эди. Лекин хасталик йилларида адибга котибалик қилган Зарифахонимнинг вақти бўлмагани учун тақриз тайёр эмасди. Адиб узр сўраб, тақризни сўнгроқ етказишни айтди.

— Мен «Маҳзуна» бобини тўлдиргунча тақриз ҳам тайёр бўлиб қолар,-деди меҳмон адибни хижолатдан қутқариш ниятида.

— Албатта, албатта!-жавоб қилди адиб ва меҳмонни кўчагача кузатиб қўйди.

Ойбекдек улкан адиб ва олимнинг юксак баҳосидан руҳланган меҳмон «Ўзбек шоиралари»нинг Маҳзунага бағишланган фаслини тўлдиришга ғайрат ва шижоат билан киришди. Ҳатто хизмат қилиб турган жойи - нашриётдан рухсат олиб, уйида ишлади.

Шундай кунларнинг бирида нашриёт ходимларидан бири Тўхтасин аканинг уйига бориб, идорага зудлик билан бориши лозимлигини айтди. Кечаги маҳбус минг хил хаёлга борди.

—Нима гап? Тинчликми?-безовталанди у.

— Сизни кимдир келиб, кутиб турган эмиш. Директоримиз Насрулло Охундий «Олдингга солиб кел», деб буюрдилар.-жавоб қилди нашриёт ходими.

Тўхтасин акани ваҳима босди. Ҳар эҳтимолга қарши, бир сидра кийим олиб, халтага жойлади-да, ходимнинг олдига тушди.

Директор ўз хонасида ёлғиз ўтирган эди. У Тўхтасин аканинг эшикни қўрқа-писа очиши билан дарҳол ўрнидан туриб, унга талпинди. Илиқ сўрашиб, ўтиришга таклиф этди. Сўнг олдига бир варақ қоғоз қўйди. Тўхтасин ака уни чақирув қоғози, деб ўйлади шекилли, қўрқув аралаш кўз югуртирди. Аммо шу лаҳзанинг ўзида чеҳрасига порлоқ бир табассум югуриб, оёқлари қалтирашдан тўхтади.

Қоғозга бундай сўзлар битилган эди:

«Тўхтасин Жалолов...ўзбек шоиралари ҳақида ғоят муҳим асар ёзди. Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида ўзбек шоиралари, уларнинг асарлари, ҳаётлари ўрганилмаган, деярлидир. Улар ҳақида якунланган асарлар йўқдир. Айрим шоиралар тўғрисида энди-энди адабиётчиларимиз ишлай бошладилар. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлума шоираларнинг асарлари, уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган. Т.Жалолов тарих варақаларини ахтара-ахтара ўзбек шоиралари ҳақида қимматли хийла маълумотлар тўплади. Ўзининг катта, синчикли текширишлари натижасида ўттизга яқин ўзбек шоираларини топди. Бу ғоят ажойиб воқеадир.

Халқимиз ўзбек адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини кўришга муштоқ ва бундай асарларга ташнадир».

Хаста адиб бу қисқа, аммо самимийлик ва хайрихоҳлик туйғулари тўлиб тошган сўзлари билан «Ўзбек шоиралари» ва унинг муаллифи олдида турган тўсиқни бартараф этган эди. Орадан кўп ўтмай, Тўхтасин Жалолов номини ўзбек маданияти тарихига бир умрга муҳрланган китоб нашр этилди. Халқимизнинг бундай асарларга ташна эканлиги тўғрисидаги ойбекона башорат рост бўлиб чиқди.

Насрулло Охундий Тўхтасин аканинг қўлидан ҳали ҳам тушмаган халтага тикилганича «Ювадиган бўлдингиз, оксоқол!» деди. Бироқ, бу сўзлар унинг қулоғига кирмади. У улуғ инсон ва меҳридарё адибнинг муборак имзосини ўпиб, уни севинч ёшлари билан юваётган эди...

**Наим КАРИМОВ.**

*Ҳар тўғрида*

## КИМЁВИЙ БИРИКМАЛАР

* Агар сизни ари чақиб олса уни ўлдиришга шошилманг! Американинг Флорида штатидаги қишлоқ хўжалиги лабораторияларидан бирининг олимлари узоқ йиллги синовлардан шуни аниқладиларки, ўлдирилган ҳашорат танасидан ҳавога тарқалган кимёвий бирикмалар унинг яқин атрофдаги ҳамма қариндошларини ҳаддан ташқари тажовузкор бўлишга олиб келар экан. Улар ана шу кимёвий бирикмаларни ажратиб олишга муваффақ бўлдилар.

* Агар яқин атрофда ари ёки асаларининг уяси бўлса, улар кимёвий сигнални пайқагач, уясини ҳимоя қилиш учун ичкаридан отилиб чиқади ва йўлда учраган ҳамма тирик жонни чақа бошлайди.

## КАФТГА ЖО БЎЛГАН ВЕЛОСИПЕД

Француз артисти Чарли Шарль дунёда энг кичик велосипедни яратган. Митти велосипед титан найчалари автоген ёрдамида пайвандлаб тайёрланди.

Шестерналари ва занжири (бир неча ҳалқа) одатдаги велосипеддан олинган. Кафтга жо бўладиган жажжи велосипед тез юра олмайди. Мувозанатни сақлаш ҳам мушкул.

Бироқ, дейди унинг ихтирочиси, йиқилгудек бўлсангиз ҳеч қайирингиз лат емайди. Шу сабабли ҳам артистнинг бу номери катта қизиқиш билан томоша қилинган.

**А.АЛИЕВ.**

*Буюк саркарда Темур Малик таваллудининг 830 йиллигига*

# УРУШЛАРДАН ЮЗИ ҚОРА ЧИҚМАГАН

**Биз тоғларнинг бургути зафарларда етишган,**
**Офату, урушда ҳеч енгилиб чиқмаймиз.**
**Ҳароратдан тоғ-тошлар эриса-да, сув каби,**
**Ҳаёт эрканмиз урушдан юзи қора чиқмаймиз!..**

Тарихдан маълумки, жаҳонни титратган XIII асрнинг силсилали воқеаларидан сал аввалроқ Ўрта Осиё хоразмшоҳлар империясига бирлашган эди. Ўзини даврнинг иккинчи Искандари Зулқарнайи деб ҳисоблаган Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад II (1200-1220 йил) замонасида Хоразм давлати шон-шавкату қудратда бениҳоя чўққига кўтарилган эди. Лекин шунга қарамай, айни ўша даврларда бу давлат ичидан емирила бошлаган ҳамда инқирозга юз тутган ҳам эди. Бунга асосий сабаблардан бири даштдан суқилиб кирган қипчоқларнинг Хоразм давлатида мустаҳкам ўрнашиб олиб, унинг ҳам ҳарбий, ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсата бошлаганлигида бўлса, иккинчи сабаби бевосита Хоразмшоҳнинг қатъиятсизлиги, журъатсиз ва лаёқатсизлигидир.

Сўнгги паллаларда (1219 йилларда) Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг бу давлатга қарши ялпи юриши бошланганда ҳам шоҳнинг юқоридагидай қусурларини яққол пайқаш мумкин. Негаки, ўшанда унинг душманга нисбатан дадил, кескин ҳамда фаол ҳаракат қилишга юраги дов бермайди. Бинобарин, Хоразм империясининг қулаши ҳам айнан шу беқарор ҳукмдор Аловиддин Муҳаммад II даврига тўғри келган. Бу ҳол 1218 йилларда Чингизхоннинг Маҳмуд Ялвоч бошчилигидаги элчилигидан кейинги иккинчи бор унинг Хоразм давлатига йўналтирилган тўрт юз эллик киши ҳамроҳлигидаги беш юз туяга ортилган шоҳона савдо карвонининг Ўтрорда тўхтатиб қолиниб, сўнг карвон билан келган барча кишилар Инолчиқ Ғайирхон (бу одам Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад II нинг онаси Туркон хотуннинг жияни бўлган Ҳ. З) томонидан жосусликда айбланиб, ўзбошимчалик билан қириб ташлангани учун мўғул ҳукмдори номидан Хоразмшоҳ ҳузурига қотилни талаб қилиб келган Чингизхоннинг бообрў элчиси Ибн Куфрож Буғронинг ҳам оқибатини ўйламай ваҳшиёна ҳалок этилганида яна-да, ўз ифодасини топган эди.

Адоват бамисоли кул остидаги чўғга ўхшайди. Уни кавласа, аланга олади, аксинча, сув қуйиб ўчирса ҳам бўлади. Шоҳ эса биринчи ишни қилди, жоҳиллик билан кулни кавлади. Албатта, бир кун келиб, бу икки йирик давлат ўртасида тўқнашув юз бериши эҳтимолдан йироқ эмасди. Лекин айнан ўша пайтларда донолик билан сиёсат юритилганда, қонни-қон билан ювмай, сув билан ювганда эди ҳали бери нохуш воқеаларнинг юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Чингизхон Хоразмшоҳга: «Сен урушни истовдинг - унга эришдинг», - дея борйўғи бешта сўздан иборат икки давлат ўртасидаги мулоқотга нуқта қўйилган энг сўнгги мактубини чопардан юборди. Ўзи ҳам унинг ортидан отлана бошлади. Шу билан ниҳоят улкан мамлакат узра 616 хижрий, илон йилида (1219 йил) ягона қаттиқ ҳарбий интизомга уюшган Чингизхон бошчилигидаги 210 минг кишилик саҳройи мўғулларнинг ялпи ҳужуми муқаррар бўлиб қолган эди.

Хоразмшоҳ саройида давлат арконлари, қўшин бошлиқлари, амирлар иштирокида ҳарбий кенгаш борар, мамлакат тақдири ҳал этиларди. Сўзга чиққан «Дин посбони, мамлакатнинг соябони» деб улуғланган собиқ вазири аъзам ҳамда бунёдкор имом Шаҳобиддин Абу Саъад ибн Имрон Муҳаммад ал-Хивақий ҳадисдан мисоллар келтириб, қутлуғ ғазовот йўлида муҳораба қилиб қурбон бўлганлар шаҳид бўлишлигини айтиб, барча кучларни жамлаб (барча кучлар тўрт юз мингдан ортиқ бўлган. Ҳ.З.(Сайҳун) Сирдарё) бўйидаги кенгликка бир мушт қилган ҳолда олис саҳролардан ҳориб-чарчаб келган ғанимларга дам бермай, уларга ҳужум қилиб қақшатқич зарбалар бериш ва тор-мор келтиришликни маслаҳат кўрди.

Қипчоқ амирлашкар Ҳумор Тегин эса аксинча, душманни мамлакат ичкарисига киргизганда уларни савалаш осон кечишлигини гапирди. Бошқалари қўшинларни бўлиб, ҳар бир шаҳарни улар ихтиёрларига топширганда бу қўшинлар ўз шаҳарларини астойдил мудофаа этажаклиги ва ёвларни Эрон заминига силжишлари учун уларни Жайҳун (Амударё) дарёсидан кечиб ўтишларига йўл қўймасликлари мумкинлиги ҳақидаги фикрларини олға сурдилар.

Аммо, бу кенгашда иштирок этган Хорзмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликлар собиқ вазири аъзамдан бошқа барча сўзга чиққанларнинг фикрларини мутлақо хато ва хатарли ҳатто ҳалокатли эканлигини айтиб рад этдилар.

Жалолиддин:

- Душман ҳужуми муқаррар бўлуб турғонда дағи оқибатин ўйламай ҳалокатға элитодурғон мутлоқо хато тадбирларни олға сурмоқлиқ, ёвға рўбарў бўлиш дин қўрқуб девор ортинға биқиниб олмоқлиқ марду майдон эр йигитнинг иши эрмасдур. Шул боис ягона йўл ҳужум, ҳужум ва дағи фақат ҳужумдур. Ўзға йўл бўлиши бизларға асло мумкин эрмас!, - деди.

Темур Малик:

- Мудофаа, бу сўнгги чора ва ожизликнинг белгисидур. Бизда ушмунча қўшунлар турғонда қандай қилуб номақбул мудофаа ҳаққинда гап бўлиши мумкин. Бундайин қалтис иш қилишға дағи қандайин йўл қўйишимиз мумкин, аъло ҳазратлари?!- Ҳатто кучи ожиз бўлғонда ҳам ёғийлар бирлан юзма-юз бўлишдан тап тортмағон томоннинг қўли баланд келғувси ва шаксиз енга олғувсидур. Менинг бирданбир айтадурғон сўзим шулким, вақтни қўлдан бой бермай, ҳали ҳам бўлса яхши ҳарбий тайёргарлик кўрғон, тажрибакор қўшунларни ҳужумға шайламоқлиқ даркор! - деди қатъий этиб.

Бироқ, қайсар шоҳ барибир ўз билганидан қолмади, қипчоқ амирлари берган хато фикрларни маъқул кўриб, қўшинларни мамлакат узра вилоятларга бўлиб юборишни ва ўзи янгитдан Шарқий Хуросон ҳамда Эрондан кучли қўшин тўплашдек сира амалга ошмайдиган тадбирни олға сурди ва кўп ўтмай шундай ҳам қилди.

Минг афсуски, баъзида инсонлар тақдири бамисоли кемага тушган кишилар тақдиридай кечади. Денгизда довул туриб, кемани ўз йўналишида сузишга йўл бермаса, уни фожеа сари сурса, кемадаги бояқиш кишиларнинг қўлларидан не ҳам келарди. Ўша кезларда Хоразмшоҳ билан ҳам худди шундай ҳол юз берган эди. Яъни, Хоразмшоҳнинг яна ўзи бу сафар «довул» бўлиб, эл-юртни - мамлакатни аниқ ҳалокат гирдобига ташлади ва қочишга ҳозирлик кўрди. Жалолиддин Мангуберди отасини сўнгги бор бундай қилмасликка жон куйдириб ундаб:

- Ватанимизни кимга ташлаб кетадурсиз? Жафокаш халқнинг ҳоли не кечур? У ҳолда халқ солиқ йиғишға келғонда теримизғача шилиб, ёв келғонда аларға ем қилдириб қўйғон хоразмшоҳлар авлодинға лаънатлар ёғдурсалар, алар сўзсиз ҳақ бўлурлар! - деди. Лекин икки оёғини бир этикка тиқиб олган шоҳ оқил, доно маслаҳатларга қулоқ осмай мамлакатни тарк айлади.

Мўғуллар ҳимоясиз ва раҳбарсиз қолган ватанимизга бостириб кирдилар, боғ-бўстонлар ёв отларининг туёқлари остида топталди. Баланд деворлар қалъалар билан мустаҳкамланган ҳамда обод бозорлари бўлган шаҳарлар таланди. Элнинг юксак маънавий ва жисмоний заҳмати билан бунёд этилган маданият обидалари, қиёси йўқ такрорланмас санъат дурдоналари вайрон этилиб, кул тепаларга айлантирилди. Барча ўлкалар бирдай таланди, бирдай ёндирилди. Халқ қирғин-баротга дучор этилди. Аёлларга ҳам шафқат этилмади. Улар қийноққа солиниб, ор-номуслари топталиб, ҳалок этилдилар. Бир қисми қул-чўриларга айлантирилиб, олис мўғулистонга олиб кетилди.

Мўғуллар Ўтрорни эгаллагач, Чингизхон қўшинининг бир қисмини Самарқандга юборди. Ўзи асосий куч билан Бухорога йўналди. Душман қўшинлари Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган аҳолиси кўп ва яхши мустаҳкамланган, бой савдо шаҳри Сиғноқни эгалладилар ҳамда тез фурсат ичида бирин-кетин Ўзган, Барчинлиғкент, Фарғона, Бинкент шаҳарлари босиб олинди. 1220 йил қиш фаслида истилочиларнинг 80 мингдан зиёд каттагина қўшини Хўжанд устига отланди. Бу шаҳарга Хоразмшоҳ мамлакатни тарк этар чоғида Темур Маликни ҳоким этиб тайинлаган эди. Аслида саркарда узоқ йиллар давомида Ўтрорнинг ҳокими бўлиб келган эди. 1217 йили Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад II Бағдод халифалигига қарши қўшин суриб кетган маҳали бундан фойдаланган унинг онаси Туркон хотун Темур Маликни Ўтрор ҳокимлигидан четлаштириб ўрнига ўзининг қипчоқ жияни Инолчиқ Ғайирхонни тайинлаганди.

Темур Малик ҳам хоразмшоҳлар авлодидан бўлиб 1169 йили Урганчда таваллуд топган. У Хоразмшоҳ Жалолиддин Муҳаммад Отсизнинг набираси, яъни унинг кенжа ўғли Низомиддин Муҳаммад Маликнинг ўғли эди. Низомиддин Муҳаммад Маликнинг фаолияти эса тарихда кўрсатилмаган.

**Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН**

**(Давоми бор)**

*Касбим — фахрим*



## ИЖОД—ЯНГИЛИКЛАР ОЛАМИ

Инсон камолоти касбни тўғри танлаш билан боғлиқ. Чунки ҳар бир касбнинг ўзига яраша сири, ўзига яраша мураккабликлари бўлади. Дейлик, рассомчиликда пейзаж, ҳайкалтарошликда турли хил шаклларнинг моҳирона тасвири — кишидан туғма истеъдодни талаб этади. Тинмай изланишлар эвазига истеъдод янада чархланиб бораверади. Бунинг натижаси, ҳосиласи эса инсонда ўз касбига нисбатан меҳр туйғусининг намоён бўлишида кўринади.

Қовчинлик Чори Жабборов ҳам ана шундай ўз касбига меҳрини бергувчилар сирасидандир. Ҳайкалтарошлик сеҳрини ўзида сингдириб ҳар хил шакллар, ҳайвонот дунёси, эртак қаҳрамонлари билан бемалол «сўзлашаётган» бу қўли гул инсон аллақачон қаршиликларнинг эъзозли кишисига айланган.

Чори Жабборов «ижод — янгиликлар оламига шунғиш» дейди. Шу сабабданми, у тинмай изланишда, ижодининг маҳсули эса болалар боғчалари, шифохоналар, маъмурий бинолар, оромгоҳлардаги фавворларда жилоланяпти. Айни кунларда Чори ака Қовчин қишлоғида бунёд этилаётган сайргоҳда ўзи ясаган ҳайкалларни ўрнатиш билан машғул.

**Суратда — Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида истиқомат қилувчи, истеъдодли ҳайкалтарош Чори Жабборов ижод намуналари билан.**

**Ш. ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

## ҒЕНЕРАЛ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА

Фарғонада Республика ички ишлар идоралари жамоалари ўртасида марҳум милиция генерал майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий футбол турнирининг саралаш босқичи бошланди.

Эл ардоқлаган инсон, Ўзбекистоннинг содиқ фарзанди, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона хизмат қилган марҳум милиция генерал-майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган турнирнинг Фарғона шаҳридаги саралаш босқичида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармалари жамоалари иштирок этишаяпти.

Турнирнинг очилиш маросимида вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, Республика «Динамо» жамияти ҳамда вилоят спорт қўмитаси вакиллари иштирок этишиб, Комилжон Ғофуровнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида гапириб, мусобақа қатнашчиларига омад тилашди.

Комилжон Ғофуровнинг республикамизда уюшган жиноятчиликка қарши кураш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш борасидаги хизматлари ички ишлар идоралари ходимлари учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

Мазкур футбол турнирининг ўтказилиши марҳум милиция генерал-майори К.Ғофуров хотирасига бўлган самимий ҳурмат, эҳтиром намунасидир.

Милиция генерал майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишланган анъанавий турнирининг дастлабки мусобақалари Фарғонада бўлиб ўтган эди. Эндиликда бу мусобақалар анъанага айланиб футбол бўйича республика ички ишлар вазирлигининг биринчилиги даражасига кўтарилди.

Дастлабки саралаш мусобақалари Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳамда Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Бу учрашувда 4-2 ҳисобида тошкентлик осойишталик посбонларининг қўли баланд келди. Фарғона ва Наманган вилоятлари ИИБлари жамоалари ўртасидаги мусобақада фарғоналиклар 7-0 ҳисобида ғолиб чиқишди.

**Шухрат РЎЗИЕВ,**
**милиция капитани.**

## ИЛМИЙ — УСЛУБИЙ МАРКАЗ

**Ўзбекистон ўзининг қадимий бой тарихига эга. Шу минтақада жойлашган кўплаб маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар ҳам кўҳна ўтмишимиздан далолат бериб турибди. Булар шубҳасиз, чет эллик сайёҳларнинг ўлкамизга бўлган эътибор ва қизиқишни янада оширмоқда.**

Мамлакатимизнинг нуфузли туризм диёрига айланиб бораётганлиги шу соҳа мутахассисларини кўплаб тайёрлашни ўз-ўзидан тақозо этмоқда. Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар етиштириш йўлида ҳам қатор ҳайрли таълимий жараёнларга қўл урилди.

Янги 1999-2000 ўқув йилидан Тошкент Давлат иқтисодиёт уневерситети ҳузуридаги халқаро туризм факультетининг иш бошлаши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Тошкент Давлат Маданият институтининг Маданият ва туризм олий ўқув юртига айлантирилиши республикамизда мамнуният билан кутиб олинди.

Кўрилган бу каби таълимий тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисидаги Фармони муносабати билан амалга оширилди. 1999-2000 ўқув йилдан бошлаб туризм соҳасида ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланадиган бу олий ўқув юрти тўла янги технология ва компьютерлар билан таъминланган замонавий ўқув хоналарига эга бўлади. Айни вақтда институтда жаҳон тиллари кафедралари иш бошлади.

Олий ўқув юрти маданият ва туризм бўйича йирик илмий-услубий марказга айланади. Бу эса унинг ўқув адабиётларини тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятини кучайтиради.

Зеро, институт туризмга доир ўқув дастурлари, қўлланмалари, адабиётларни босмага тайёрлаш билан жиддий шуғулланади. Бинобарин, нашрчилар, мутахассисларни қайта тайёрлашда ҳам у фаоллик кўрсатади. Бу соҳада «Ўзбектуризм» миллий компанияси олий ўқув юртига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр.

Кейинчалик олий ўқув юрти ўзининг алоҳида нашриётига эга бўлиши кўзда тутилмоқда. Бундай ҳайрли иш Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектуризм» компанияси ҳамкорлигида амалга оширилади.

Янги ўқув йилида олий ўқув юрти халқаро туризм ихтисослигини эгаллаш ниятида бўлган 30 нафар талабани ўқишга қабул қилади.

*Жаҳон чемпионлари*

**Мамажон МУҲИТДИНОВ**

# ЁРҚИН ЮЛДУЗ

**1927 йилнинг октябрида Москвада мамлакат биринчи аёллар чемпионати ўтади. Унинг иштирокчилари орасида 18 ёшли Ольга Рубцова ҳам бор эди. Ёш эканлигига карамай у унча-мунча шахмат тажрибасига эга эди. 1926 йилнинг охирларида уюштирилган турнирида ғолиб чиқади. Кейин анъанавий матчда муваффақиятли ўйнайди.**

Ольга Рубцова биринчи чемпионатни жуда тез ва соз ўтказди-7 ғалабаю 3 дуранг қилди. Бу нарса кейин унга мамлакат биринчилигида юқори поғонага кўтарилишда одат тусига киради. Бу чўққи яна 4 марта-1931,1935,37 ва 49 йилларда унга бўйсунади. Лекин ўша биринчи ғалаба унинг учун энг хотиравий бўлиб қолади.

Ольга шахмат катта ҳурмат топган оилада вояга етди. Дарвоқе,кўп йиллардан сўнг унинг ўзи оилали бўлгач ҳам эри ва бош фарзанди ҳаммалари шахматга эътиқод қилардилар,кичик қизи эса онаси каби халқаро гроссмейстер бўлди.

Ольганинг отаси-Бауман номидаги Москва Олий техника билим юртининг профессори Николай Николаевич Рубцов эҳтиросли шахмат ҳаваскори деган ном чиқарганди, у биринчи категорияга эга бўлиб ,мусобақаларда тез-тез ўйнаб турарди. У қизига бошланғич шахмат сабоғини берар экан,кўп йиллар ўтгач шогирди жаҳон чемпиони бўлишини билмас эди. МВТУни битиргач қизи олдида фан билан шахматдан қайси бирини танлаш вазифаси кўндаланг бўлганда,у иккинчисини афзал кўришини ҳаёлига ҳам келтирмасди.

1925 йили, Капабланка, Ласкер,Богомолов ва бошқа зўр гроссмейстерлар иштирокида биринчи халқаро турнир ўтарди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган шахмат сардорларини кўриш учун Ольга шиордошлари билан бирга турнир залига кираверишда соатлаб тик турарди. Залга кириш насиб этганда эса,машҳур шахматчиларнинг ўйинини завқланиб томоша қиларди. Саҳнадаги шахмат столлари ёнида нуқул эркаклар ўтиришарди. Наҳотки шахмат эркаклар учунгина яратилган бўлса?-ўйларди Ольга. Мактабда у ўғил болаларни ютади-ку. Албатта бу ердаги ўйин бошқача...

Ольга у пайтларда икки йилдан сўнг биринчи жаҳон чемпиони бўлувчи ва шахмат тахтаси узра эркаклар билан муваффақиятли жанг қилувчи Вера Менчик ҳақида ҳали ҳеч нарса эшитмаганди. Лекин кўнглининг чуқур бир чеккасида, эркакларнинг шахматдаги фавқулоддалиги-тарихий ноҳақликдан бошқа нарса эмас ва албатта вақтлар келадики, аёллар ҳам шахмат чўққиларини эгаллаяжаклар,-деган фикр уйғонган эди.

Ҳозирча эса аёллар учун мусобақаларни кам ташкил этадилар,шахматчи хотин-қизларни бармоқ билан санаса бўларди.Мамлакатда аёллар ўртасида шахмат ҳаракати эндигина тезлаша бошлаган эди.

**(Давоми бор.)**





**МАРОҚЛИ МАШҚЛАР.**
**Иккаласида ҳам оқлар 4 юришда мот қилади.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгашининг собиқ раиси

**Шариф Камолович ХАЙРУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмиталари вилоят касаба уюшмалари кенгашининг собиқ раиси

**Шариф Камолович ХАЙРУЛЛАЕВ**нинг

вафот этганлиғи муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -21.00 Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0556.
1 2 3 4 5 6